

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ҒУЛОМ ЙУЛДАШОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА УРУҒЛИК ЛАВЛАГИ
ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФРАТИ**

Тошкент – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**
**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Рахимов Гулом Йулдашович

Зарафшон воҳаси шароитида уруғлик лавлагини етиштиришнинг илмий
асослари.....5

Рахимов Гулом Юлдашович

Научные основы выращивания семенной свёклы в Зарафшанской
долине.....21

Rakhimov Gulom Yuldashevich

The scientific basis of the cultivation of seed beets in the Zarafshan
Valley.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ҒУЛОМ ЙУЛДАШОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА УРУҒЛИК ЛАВЛАГИ
ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФРАТИ**

Тошкент – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.1.PhD/Qx248 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.PSUEAITI.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботиров Хидир Файзиевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Телляев Рихсивой Шамахамадович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Раббимов Абдулла Раббимович

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етақчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2020 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-34; e-mail: riim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: riim@agro.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунё бўйича, қанд, хашаки, барг ва ош лавлагининг экин майдонлари 700 млн. гектарни ташкил этиб, уларнинг асосий қисмини қанд ва хашаки лавлаги эгалламоқда. Хашаки лавлаги Европанинг Буюк Британия, Франция, Бельгия, Германия, Дания ва бошқа қорамолчилик кучли ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Хашаки лавлаги ширали, енгил ҳазм бўладиган, тўйимли, айниқса, қишда чорва молларига озуқа учун етиштириладиган зарур техник экиндр¹.

Дунё қишлоқ хўжалигидаги илмий изланишлар замонавий услублар яратилиши асосида биринчи навбатда чорвачиликни қимматли озуқа хом-ашёси билан таъминлашга қаратилган бўлса, кейинги вазифа тупроқ-иқлим шароитини аниқ ўрганиб, соҳада жадал инновацион технологияларни амалда қўлланилиши асосида ривожланган мамлакатларнинг суғориладиган минтақаларида, илдизмевали ўсимликлардан қисқа муддатда уруғ олиш имконияти ва ердан самарали фойдаланиш суръатини ошириш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ер юзасининг турли иқлим шароитларига мос серхосил навларни яратиш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва юқори унумли инновацион технология ва кимёвий воситаларини қўллаш, лавлагидан сифатли уруғ ва илдизмева ҳосилини олиш имкониятини юзага келтирмоқда.

Республикада сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида, айниқса, илдизмевали ўсимликлар ҳосилдорлиги ва уруғ сифатига алоҳида эътибор қаратилиб, бу чорвачилик соҳасини мўл озуқа ва омукта ем билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини келгусида янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.3 бандида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг чорвачилик йўналишлари салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган» муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган². Буларнинг самарали ечимида илдизмевали ўсимликларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш, самарали уруғчилик усуллари амалиётга қўллаш, уруғ экишнинг мақбул муддати меъёри, кўчат туп сонини, уруғ сифати ва самарадорлигини яхшилаш ҳамда уни амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб, диссертация мавзусининг заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2018 йил 16 январдаги «Мамлакат-

¹ <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

нинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши республика фан ва технологияларни ривожланишининг, V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва табиат муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижда лавлаги экинларининг етиштириш технологияси, уруғчилигини ташкил этиш, экиш муддати, меъёрлари, усули, озиқлантириш тартибининг мева ва уруғ ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири устида А. В. Добротворцова, В. Н. Балан, Р. Ризаев, Р. Зоҳидов, И. С. Оголенко, И. В. Массино, Е. П. Горелов, А. С. Халиков, Х.Ф. Ботиров, С. А. Аҳмедова, Р. Ш.Тиллаев, Б. М. Холиқов, И.Сулаймонов, Р.Қурбонов, Б. Г.Ахияров, А. В. Бычков, О. Н. Кухарев, Ю. Г.Михеев, В. А.Чернова, А. М. Чирков каби олимлар, дунёнинг етакчи АҚШ, Дания, Англия каби мамлакатларида Hobbs DA, Kaffa N, Siervo M, Ahhor AW, Berger VW, Bailey SJ, Lansley KE, Kelly J томонидан ўрганилган ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Зарафшон воҳасининг тупроқ-иклим шароитида хашаки лавлаги уруғларини турли усулларда етиштириш, мақбул экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сонини аниқлаш етарли даражада ўрганилмаган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий- тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг «Самарқанд давлат университетининг 2017-2030-йилларда «илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури», доирасида (2016-2019 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Зарафшон воҳаси шароитида хашаки лавлагининг Ўзбекистон-83 нави уруғларини экиб, янги уруғлик ҳосили етиштиришда экиш муддати, меъёри ва туп сонининг уруғлик ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси шароитида кўчатсиз хашаки лавлаги уруғи етиштиришнинг илмий асосларини аниқлаш;

хашаки лавлаги уруғини олиш учун уруғидан экиб етиштиришда экиш муддати, меъёри ва туп сони таъсирини аниқлаш;

ўсимликларни ўсиши, ривожланиши, вегетатив ва генератив органларининг шаклланишига, барг сатҳи, куруқ масса, қанд ва куруқ модда тўпланишига экиш муддати, меъёри ва туп сони таъсирини аниқлаш;

хашаки лавлаги илдизмевалари ва уруғ ҳосилининг биометрик кўрсаткичларига экиш муддати, меъёри ва туп сони таъсирини аниқлаш;

уруғлик ҳосилдорлиги ва унинг хўжалик кўрсаткичлари сифатига экиш муддати, меъёри ва туп сони таъсирини аниқлаш ҳамда уруғ етиштиришнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Зарафшон воҳасида кенг тарқалган қадимдан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар, хашаки лавлагининг районлаштирилган Ўзбекистон-83 нави ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети хашаки лавлагининг Ўзбекистон-83 нави янги уруғлик ҳосили олишда ҳар хил экиш муддати, меъёри, ўсимлик туп сони, ўсиш, ривожланишнинг биометрик кўрсаткичлари, ҳосил шаклланишига барг сатҳи, илдизмеванинг вегетатив ва генератив хусусиятлари ва уруғнинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотларда олиб борилган фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар “Методика Государственного сорто-испытания сельскохозяйственных культур” “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ) услублари асосида олиб борилган. Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта», манбасидаги дисперсион таҳлил услуги ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон воҳасининг тупроқ-иқлим шароитида давлат реестрига киритилган Ўзбекистон-83 хашаки лавлаги навини кўчатсиз, уруғидан турли муддат ва меъёрларда етиштиришнинг ўсимлик туп сонига таъсирчанлиги асосида юқори уруғ ҳосили етиштиришни таъминлайдиган нав агротехникаси такомиллаштирилган;

экиш муддати, меъёри ва туп сонини мақбуллаштирилиши натижасида энг юқори уруғ ҳосили олиш ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини таъминлайдиган тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрганилган омиллар таъсирида хашаки лавлагининг ўсиши, ривожланиши, мева ва уруғларнинг шаклланиши, ўсимлик массаси, ҳосил структураси баҳоланган ва уруғ ҳосилдорлигини 27,5 ц/га етиштириш мумкинлиги исботланган;

уруғлик лавлагини қисқа муддатда, уруғидан ресурстежамкор усулда экиш муддати, меъёри, мақбул туп сонидида етиштириш агротехникаси Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари фермер ва томорқа хўжаликларида жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Зарафшон воҳасининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида хашаки лавлагининг Ўзбекистон-83 нав уруғини сентябрь ойининг 1 декадасида фойдали ҳарорат йиғиндиси +18-20⁰С бўлганда, 70 см. қатор кенглигида, яъни бир гектар майдонга 120 минг туп кўчат экиш самарали эканлиги аниқланган;

Экиш меъёрининг 120-130 минг донадан 140-150 минг дона/га бўлганда ўсув даврини 14-16 кунга қисқариши, ҳосилдорликни эса 4,3-5,1 ц/га камайиши кузатилган. Мақбул экиш муддати меъёри ва туп сонидида 1000 дона уруғ массаси 21,4 граммгача ортганлиги, унувчанлик эса 92,8 фоиз бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар даврида турли экиш меъёрларида ҳосилдорлик ўртача 15,4-27,2 ц/га олинди, 1 м.қатор орасига 20 дона ҳисобидан экилганда 26,4-27,5 ц/га уруғ ҳосили олинган, соф даромад 13,545 минг сўм/га, рентабеллик даражаси эса 114,0 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажриба услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётга жорий қилинганлиги, ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда chop этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти, Зарафшон воҳасининг ўтлоқи бўз ва типик бўз тупроқлари шароитида хашаки лавлагининг Ўзбекистон-83 нав уруғларини кўчатсиз усулда етиштиришнинг экиш муддати, меъёри ва туп сони аниқланиб, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, барг сатҳи ва бошқа кўрсаткичларининг ҳосилдорликка ва уруғ сифатига таъсири, шунингдек, ўсув даври давомийлигини 14-16 кунга қисқарганлиги ҳамда уруғидан экиб, янги уруғлик етиштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Олинган натижалар асосида Зарафшон воҳасининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида асосий экинлардан сўнг хашаки лавлагини кузда уруғидан экиш орқали уруғчиликка ихтисослашган деҳқон-фермер ва томорқа ер эгалари майдонларида кафолатли, ресурстежамкор ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳамда сифатли уруғ ҳосили етиштирилганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон воҳаси шароитида уруғлик лавлагини уруғидан экиб ресурстежамкор юқори ва сифатли уруғлик ҳосили етиштириш агротехникаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликларида қўлланма сифатида, «Хашаки лавлагидан кўчатсиз усулда уруғ олиш самарадорлиги» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25-ноябрдаги №02/02-3868-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома хашаки лавлаги етиштирувчи ва унинг уруғчилиги билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер ва чорвачилик хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

Зарафшон воҳасининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида хашаки лавлаги уруғини уруғлик етиштириш учун экишнинг энг мақбул муддати, яъни, сентябрь ойининг 1 - ўн кунлиги даврида, 1 м. қатор

орасига 20 дона ишлаб чиқилган ва жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги №02/02-3868-сон маълумотномаси). Бу меъёردа экилганда ўсимликлар ноқулай иқлим шароитида 90,0-91,0% сақланиши, уруғликларни 16-23 кунга эрта етилиши, ҳосилнинг ўртача 6,3-8,5 ц/га ортиши кузатишган ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари 114,0 фоизни ташкил этган;

ресурстежамкор кўчатсиз, уруғидан экиб янги уруғлик олиш агротехникаси Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Баҳриддин ота” фермер хўжалигида 5 гектар, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Аббос Дониёрович” фермер хўжалигида 4 гектар, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Сардорбек, Акрам, Абдуғани” фермер хўжалигида 6 гектар, Тайлоқ тумани “Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик ИТИ нинг тажриба станциясида 8 гектар, жами 23 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги №02/02-3868-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида ҳашаки лавлаги уруғлари кўчатсиз усулда етиштирилганда қўл меҳнати ва сарф-ҳаражатлар 2-3 ҳиссага қисқарган ва 26,4-27,5 ц/га уруғ ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг олимлари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Илмий изланишлар натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, унинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Илдизмевали экинлар аҳамияти, биологияси ва морфологияси, экиш услублари, муддат ва меъёрлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили” деб номланган биринчи бобида илдизмевали ўсимликларнинг келиб чиқиш тарихи, биологик ва морфологик тузилиш хусусиятлари, экиш услублари, муддати, меъёрлари ва лавлаги уруғларини кўчатсиз ўстириш тарихи, қиш давригача ўсиш имкониятлари, уларнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, лавлаги уруғчилигида кўчатсиз усулнинг кўчатли усулдан афзалликлари, лавлаги уруғ ҳосили ва сифатини оширувчи иқтисодий самарадор, ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги келтирилган. Лавлагини ноанъанавий, яъни, кўчатсиз уруғидан ўстириш, анъанавий икки йиллик, яъни, кўчатли усулга нисбатан бир қатор биологик афзалликларга эга ҳисобланиши қайд қилинган. Агар хашаки лавлагини март ойида кўчатли (оддий) усулда ва кўчатсиз, яъни уруғидан сентябрь ойида ўстириш хусусиятларини бир-бирига таққослаб кўрилганда, эрта баҳорда экилган уруғ қарийб икки ҳафтадан сўнг униб чиқиши кузатилади, бу эрта баҳорда тупроқда ҳаво ҳароратининг пастлиги билан изоҳланган. Хашаки лавлагини кўчатсиз усулда ўстириш афзаллик-томонлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Хашаки лавлагини етиштириш усулларига нисбатан фазаларни ўташи (ўртача 2016 – 2019 йй.)

№	Ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари	Етиштириш усуллари		Ўсимлик бўйи, см	
		Кўчат билан (мартда экилганда)	Кўчатсиз (сентябрда экилганда)	Кўчат билан	Кўчатсиз
1	Униб чиқиши	11-апрель	12-сентябрь	14	5
2	Тўп барг ҳосил қилиши	-	10-октябрь	21	12
3	Эрта баҳорда ўсиши	22-апрель	12-март	38	19
4	Поя чиқариши	2-май	16-апрель	65	89
5	Гуллаши	27-май	12-май	92	138
6	Пишиб етилиши	15-июль	25-июнь	110	159
7	Унувчанлиги %	71-76	82-87		
8	Ҳосилдорлиги ц/га	14-15	26-27		

Кўчатсиз усулда сентябрь бошида тупроқда уруғ униб чиқиши учун етарли даражада ҳарорат бўлганда экилган уруғ 8-10 кун давомида униб чиққанлиги кузатилган. Шунинг билан бирга қишки тиним даврига қадар кичик ҳажмдаги илдизмева ва туп барг ҳосил қилиб, унда маълум миқдорда органик моддалар тўплаши қайд қилинган.

Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, лавлаги уруғидан экиб етиштирилганда эрта баҳордан бошлаб намлик ва иссиқликни ўзига тез қабул қилиши эса тупроқдаги озика моддаларни оддий усулга нисбатан 2-3 ҳисса кўпроқ қабул қилишга имкон яратилган. Натижада, лавлагини тез ўсиб ривожланиш, ҳосил етилгунига қадар бўлган фазаларни тез ва мақбул

Ўтишига хизмат қилиши қайд этилган. Маълумотлардан шу нарса маълумки хашаки лавлаги кўчатсиз ўстирилганда оддий усулга нисбатан ўсиш ва ривожланиш фазалари деярли 20-25 кун олдин рўй бериб, бундай ҳол уларнинг ҳосилдорлигига ҳамда уруғ сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Дала унувчанлиги кўчат усулида 71-76 %, уруғидан етиштириш усулда 82-87 % гача, кўчатли усулда уруғ ҳосили 14-15 ц/га етган бўлса, кўчатсиз усулда эса 26-27 ц/га дан ортиқроқ олинган. Энг аҳамиятлиси кўчатсиз, яъни, уруғидан етиштирилганда уруғ олиш муддати 9-10 ойни ташкил этган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиладиган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобда, Зарафшон воҳасининг тупроқ-иқлим шароити, илмий тадқиқотлар дастури, услублари ва тажриба схемалари, тажрибаларни ўтказишда агротехник тадбирлар келтирилган.

Воҳанинг иқлим-шароити ўзига хос бўлиб, тез ўзгарувчан қуруқ ва иссиқ ёз, намгарчилик кўп бўладиган баҳор ва совуқ қиши билан ажралиб туради. Воҳанинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, аммо атмосфера ёғин миқдорларини эса аксинча кўпайиб бориши кузатилган. Зарафшон воҳасининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида йиллик ўртача ҳарорат 15,5 °С градусни, тупроқ нисбий намлиги ўртача 56,0 фоизни, умумий йиллик ёғингарчиликлар миқдори 337,5-509,7 мм.ни, қишнинг вегетация даври 45-56 фоизни ҳамда баҳорги ёғингарчиликлар миқдори 71-82 мм ни ташкил этиши аниқланиб, хашаки лавлаги уруғларини кўчатсиз, сентябрнинг биринчи беш кунлигида экиб етиштириш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган.

Зарафшон ботиғининг шарқий қисмини эгаллаган Самарқанд воҳа ландшафтига, вилоятнинг Тайлоқ тумани ҳудудлари ҳам тегишли бўлиб шу ҳудудда жойлашган “Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик ИТИнинг тажриба станция”си тажриба ўтказиш учун таянч хўжалик қилиб белгиланганлиги, манзил тупроқлари ўтлоқи-бўз типга мансуб эканлиги, турли қатламдаги тупроқ таркибидаги чиринди миқдори 0,9-1,7 фоиз, ялпи азот 0,55-0,115 фоиз миқдорда, тупроқ таркибидаги P_2O_5 ва K_2O миқдори мос равишда 35,2 ҳамда 98,5 мг/кг бўлганлиги келтирилган.

Дала тажрибаларида ўтмишдош экин сифатида сабзавотлар, дуккакли дон экинлари ҳамда дон учун экилган маккажўхоридан кейин амалга оширилган. Чунки, мунтазам бир турга мансуб ўсимликлар бирор ҳудуд ерларига доимий равишда экиб келинса, йилдан-йилга олинадиган ҳосил миқдори камайиб боради. Шу нуқтаи назардан суғориладиган ерларда алмашлаб экиш тажрибалари олиб борилган Зарафшон воҳасининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ҳам йиллар давомида қўлланилиб келинмоқда. Илдизмевали ўсимлик уруғларини етиштириш учун маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри $N_{140-190}$, $P_{100-120}$, K_{80-100} кг/га ташкил этди. Кўчатсиз экиш усулида лавлаги уруғини экиш олдидан ҳайдалган ерларга 20-25 т/га 70 – 75 % ҳисобидан органик ўғит (чириган гўнг) берилган. Азот экиш олдидан 40-50 кг, қолган фосфорли ва калийли ўғитлар 2 маротаба, яъни, экиш вақтида қатор орасига P_2O_5 -30 кг/га, K_2O -20 кг/га ҳисобида ва эрта баҳорда

ниҳолларнинг авж олиб ривожланиш даврида $N_{60} P_{30} K_{20}$ кг/га ҳисобида берилди. Тажриба даласи тупроқларининг агрохимёвий хоссаларини аниқлашда тупроқ кесмаси қазиб, қатламлар бўйича хашаки лавлагини вегетация бошида ва охирида намуна олинган. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори И.В.Тюрин усулида, умумий азот Келдаль, ҳаракатчан фосфор Б.П. Мачигин ва алмашинувчи калий миқдори П.В. Пратасов усулларида аниқланди. Об-ҳаво иқлимий шароитлар тадқиқот даврини тўлиқ қамраб олиб туман ва Самарқанд вилоят метростанциялари маълумотларига асосан ўрганилган.

Изланишлар давомида тажрибалар уруғ экиш муддатларига қараб 3 босқичда олиб борилди. Ҳар бир тажриба майдони 4 такрорли схемада жойлаштирилди. Тажриба ўтказиладиган умумий майдон тадқиқот далаларига мос ҳолатда, 0.5/га ни ташкил этди. Тажриба майдончалари махсус ёрлик ва белгилар асосида ажратилди, биринчи вариант майдончаларнинг умумий майдони 500 м², ҳисобланадиган қисми 420 м² дан, бунда қаторлар узунлиги 25 м. эни 16,8 м, қолган қисми ҳимоя ҳудуди этиб белгиланди (1-расм).



1-Сентябрь

15- Сентябрь

30-Сентябрь


1-расм. Экиш муддатларига нисбатан ниҳоллар ривожини (2017 й).

Ишлаб чиқариш тажрибалари эса 1-2 гектар майдонларда олиб борилган ва хашаки лавлагининг “Ўзбекистон 83” нави ўрганилган. Тажрибани кўйиш ва ўрганиш йиллари узлуксиз бўлиб, тадқиқотлар дала тажрибаси услуби (Б. А. Доспехов, 1985; УзПИТИ, 2007) да олиб борилди. Барча биометрик, фенологик ва лаборатория таҳлиллари, шулардан ўсимликларни ўлчаш ишлари намунавий 100 дона ўсимликларда 4 қайтариқда (ДУА услуби- ўсимликлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини нав синаш давлат услуби 1983) ўрганилган, уруғнинг униб чиқиш энергияси, етилиш ва бошқа кўрсаткичлари, уларнинг ҳосили ва илдизмевасининг биологик хусусиятлари ДСТ бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «Хашаки лавлаги уруғи шаклланишига экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сонининг таъсири» деб номланган учинчи бобида, лавлагини уруғидан экиб уруғ етиштиришда уруғ экиш

муддати ва меъерининг ўсимлик туп сонини уруғ шаклланишига таъсири, уруғлик лавлагининг кузда ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, экиш муддати, меъери ва туп сонининг ўсимликлар сақланишига таъсири батафсил ёритилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотлар давомида турли муддат ва меъёрларда экилган лавлаги уруғларнинг униб чиқиши ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда амалга ошириши аниқланди. 1 сентябрь муддатида экилган уруғлар 20-22⁰С бир ҳафта давомида униб чиққан бўлса, 15 сентябрдагилари 17-19⁰С ва 30 сентябрда экилган уруғлар 15-17⁰С ҳароратда дастлабкиларига нисбатан бир ҳафта кечроқ униб чиққанлиги кузатилди.

Олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2016 йилнинг 1 сентябрь муддатида 1 метр масофа оралиғига 10 донга ҳисобидан экилган уруғдан 1 га майдонда униб чиққан ҳашаки лавлаги ниҳоллар сони 114,3 минг донани ташкил этган бўлса, қишдан сўнг 1 га майдонда сақланиб қолган ўсимлик туп сони 102,8 минг донани ташкил этган. Бу 1 метр масофа оралиғига ўртача ҳисобда 7,2 донадан тўғри келган бўлса, 20 донга ҳисобидан 1 га майдонда экилган уруғдан униб чиққан ниҳоллар сони 257,1 минг донани, қишдан сўнг сақланиб қолганлари 234,2 минг донани ва 1 м. масофага 30 донга ҳисобидан экилган уруғлардан униб чиққан ниҳоллар сони 305,6 минг донга, қиш давридан сўнг эса 272,8 донани ташкил этганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм Уруғлик лавлагининг турли экиш меъёрларида кўчат туп сони ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари (ўртача 2017 й.).

Кўчат сонининг маълум миқдорда ортиқчалиги, ўсимликларнинг тифиз жойлашиши ва таркибида озиқа моддаларнинг тўпланиши ноқулай иқлим шароитидан сақланишида омил бўлиши аниқланди. Тадқиқотларимизнинг 2017-2018 йилларда олинган маълумотларига кўра, ўсимлик таркибида қанд

ва куруқ моддалар миқдори уруғ экишнинг биринчи муддатида 10,3 ва 13,8 %, иккинчисида эса 10,7 ва 14,2 %, ва учинчисида 9,2 ва 11,4 %, умумий азот миқдори эса 0,76-0,85 % бўлган. Хашаки лавлаги таркибида тўпланган озика моддаларни 1,0-2,0% ни қиш даврида ўсимликнинг ҳаётчанлигини сақлаб қолиш учун сарфлаши кўрсатиб ўтилган.

Иزلанишлар давомида, илдизмева ва бир туп ўсимлик баргларидаги хусусиятларни ҳар йили март ойининг биринчи ҳафтасида кузатилганида, 1 сентябрда экилган илдизмеванинг ҳажми ўртача 67,2 г, барг узунлиги 11,1 см, диаметри ўртача 3,5 см, 1 та ўсимлик барглари массаси ўртача 37,5 г, барг сони 14 дона, барг сатҳи майдони 520,5 см², 15 сентябрда экилганда, илдизмеванинг ҳажми ўртача 49,3 г, узунлиги 10,3 см, диаметри ўртача 2,7 см, 1 та ўсимлик барг массаси ўртача 36,3 г, сони 12 дона, барг сатҳи 512,9 см², 30 сентябрда экилганда эса, илдизмева ҳажми ўртача 30,7 г, узунлиги 7,4 см, диаметри ўртача 2,1 см, 1 та ўсимлик барг массаси ўртача 28,1 г, барг сони 9 дона, барг юза майдони 446,8 см² га тенг бўлган. Бу кўрсаткичларни ўсимликлар ўсиш-ривожланиши давомида ҳам ортиб бориши аниқланган. Уруғ экиш муддатларининг кечикиши лавлаги ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатганлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“Уруғлик хашаки лавлаги ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва уруғ ҳосилдорлигига тадқиқ қилинаётган омилларнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида уруғидан экилган хашаки лавлагининг куз-қиш давридаги ҳолати, тадқиқ қилинаётган омилларни ўсимликларнинг баҳорги ўсиши-ривожланиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари таъсирига алоҳида эътибор берилган (2-жадвал).

2-жадвал

Турли меъёрларда экилган хашаки лавлагининг туп сони.

Мавсумлар даври	Йил-лар	1 метрга уруғ экиш меъёри, дона ва ўсимликларнинг униб чиқиши, %					
		10	%	20	%	30	%
Униб чиққандан сўнг	2016	8,0	80	18,0	90,0	22,8	76,0
	2017	8,1	81	18,1	90,5	23,0	76,6
	2018	7,8	78	18,2	91,0	22,7	75,6
Ўртача		7,9	79	18,1	90,5	22,8	76,0
Қиш олди ҳолати	2016	7,9	79	17,7	88,5	22,5	75,0
	2017	7,8	78	17,8	89,0	22,6	75,3
	2018	7,7	77	17,9	89,5	22,5	75,0
Ўртача		7,8	78	17,8	89,0	22,5	75,0
Қишлаш вақтидан сўнг	2016	7,7	77	17,4	87,0	21,2	70,6
	2017	7,9	79	16,8	84,0	21,0	70,0
	2018	7,6	76	15,7	78,5	21,8	72,6
Ўртача		7,7	77	16,6	83,0	21,3	71,0

Турли муддат ва меъёрларда экилган ўсимликлар куз мавсумида, уруғдан униб чиққач, тупроқ намлиги ва етарли ҳарорат йиғиндиси бўлганда

қишга кетишдан аввал илдизмева массаси катталашиб барглар чиқариши ҳамда органик моддалар тўплаши қайд этилган. Шу орқали улар ўзини қишнинг ноқулай шароитларига тайёрлайди. Бунда уруғ экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сони ўсимликнинг сақланиб қолишида муҳим ўрин тутди. Илмий изланишлар давомида сентябрь ойининг биринчи декадасида экилган ўсимликларнинг биометрик кўрсаткичлари бошқа муддатда экилган ўсимликлардан сезиларли даражада фарқланиши кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Уруғлик лавлагининг ўсув даврлари бўйича барг сатҳи
кўрсаткичлари (ўртача 2017-2019 йй.).**

Экиш муддати	Йиллар	Бир туп ўсимликдаги барглар сони, дона.				Бир туп ўсимликдаги барглар майдони. см ² .				Барг ўлчами ўртача, м ² .
		1.IV	1.V	1.VI	1.VII	1.IV	1.V	1.VI	1.VII	
1.IX	2017	11,1	24,7	31,0	30,2	412,9	666,3	901,5	579,7	19,1
	2018	14,1	33,0	31,4	33,0	532,4	705,1	1071,3	542,6	16,4
	2019	11,5	21,3	21,3	31,2	400,0	606,5	940,7	530,0	17,0
	Ўрт.	12,2	26,3	27,9	31,5	448,4	659,3	971,2	550,7	17,5
15.IX	2017	12,3	24,3	30,5	29,6	401,5	542,5	810,5	515,4	15,7
	2018	9,5	23,5	25,9	30,2	319,1	511,5	712,9	505,7	16,7
	2019	10,3	24,6	26,0	21,0	300,2	630,3	840,6	442,5	14,0
	Ўрт.	10,7	24,1	27,4	26,9	340,2	574,8	788,0	487,8	15,4
30.IX	2017	9,1	21,2	27,7	28,0	317,9	505,3	710,3	439,3	15,1
	2018	8,2	18,7	24,6	27,1	280,8	473,2	715,4	423,4	15,4
	2019	10,0	22,5	26,3	25,2	311,6	519,4	740,4	450,2	15,6
	Ўрт.	9,1	22,2	26,2	26,7	303,4	499,3	722,0	437,6	15,3


Олиб борилган тадқиқот натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, сентябрь ойининг биринчи декадаси, хашаки лавлаги уруғлари экишнинг энг мақбул муддати деб ҳисобланди. Чунки, айнан ана шу вақтда экилган уруғларнинг ҳосилдорлиги бошқа муддатларда экилган уруғлар ҳосилдорлигидан сезиларли даражада фарқланиши ортди.

1 сентябрь муддатида экиш меъёри 1 м. масофага 10 дона ҳисобидан уруғ олинганда, ҳосилдорлик 23,8 -24,7 ц/гача, 20 дона ҳисобидан экилганда 26,4-27,5 ц/га ташкил қилди ёки 15 ва 30 сентябрь муддатига нисбатан 2,6-2,8 ц/га ортганлиги аниқланди ва 1 м. қатор орасига 30 дона ҳисобидан экилганда эса 20,3-22,0 ц/га уруғ ҳосили олинди. Бу олинган ҳосилдорлик 1 м. масофага 20 дона ҳисобидан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичларидан 5,5-6,1 ц/га камлиги кузатилди.

Диссертациянинг “Хашаки лавлаги уруғларини кўчатсиз уруғидан экиш усули орқали етиштиришнинг уруғ ҳосилдорлиги ва иктисодий самарадорлиги” номли бешинчи бобида, уруғ экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сонининг ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири, ягоналашдан олинган ўсимлик илдизмева ва баргларини озуқа сифатида баҳолаб чорва

моллари учун ишлатиш мумкинлиги, етиштирилган ўсимлик уруғининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва кўчатсиз усулда уруғ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги баён этилган. Тадқиқотлар давомида маълум майдонда меъеридан ортиқча жойлашган кўчат сонига ишлов бериш, яъни ягоналаш орқали ўсимликнинг яхши озикланишини, ўсиш-ривожланиши кузатилган.

Биргина 1 сентябрь муддатида 20 дона ҳисобида экилган хашаки лавлагидан 1/га майдонда униб чиққан ўсимлик туп сони ўртача 258,5 минг донани ташкил этган бўлса, лавлаги уруғлари пишиб етилиш даврига қадар ягоналаш орқали 120,0 минг туп/га кўчат қолдирилди. Турли даврларда шаклланган 138,5 минг туп/га ўсимликнинг ҳар бирининг илдизмева массасини ўртача 75 г., барг массаси билан бирга 110 г дан деб ҳисоблайдиган бўлсак, ўртача 5,3 ц/га озуқа бирлиги олиш ва чорва молларини тўйимли ҳамда сифатли озуқа билан таъминлаш имконияти яратилади (3-расм).



$ЭКФ_{0,05}=0,36$ ц/га $ЭКФ_{0,05}=1,8$ ц/га $ЭКФ_{0,05}=2,50$ ц/га

3-расм. Хашаки лавлагини кўчатсиз усулда етиштиришда озуқа ва уруғ ҳосилининг ортиши (ўртача 2017-2019 йй.).

Худди шунингдек бошқа меъёрлардаги ўсимликларни ягоналаш орқали олинган ўсимлик туп сонидан ҳам озуқа рационига эга бўлишимиз мумкинлиги қайд этилди. Таҳлилий маълумотларга кўра, хашаки лавлагининг 1кг илдизмева таркибида 0,12 озуқа бирлиги сақлайди, яна унда 9 г алмаштириб бўлмайдиган оксил, 0,40 г кальций ва 0,30 г фосфор мавжуд бўлиб, хашаки лавлагининг 1кг барги таркибида эса 0,1 озуқа бирлиги (1-тонна баргида эса 90 озуқа бирлиги) ва 21 г алмаштириб бўлмайдиган оксил мавжуд. Хашаки лавлаги илдизмева ва барглариининг ҳосилдорлиги эвазига 1 гектар майдондан 100-150 ц озуқа бирлиги ва 1015 ц

алмаштириб бўлмайдиган оқсил олишга эришиш мумкин. Хашаки лавлаги илдизмеваларининг ҳосилдорлиги 500 ц/га ва барглар ҳосилдорлиги 150 ц/га етганда, улар 65-70 ц/га қуруқ модда билан таъминлайди.

Илмий изланишлар натижасини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, хашаки лавлагининг Ўзбекистон-83 навини (120-130 минг дона/га) экиш лозимлиги, бунда 500-600 кишининг меҳнат қилишини 150-200 киши/га қисқартиришга эришилиши, бунинг учун деярлик барча ишларни механизация ёрдамида бажарилиши лозимлиги аниқланди. Хашаки лавлаги уруғини кўчатсиз усулда етиштирилганда, йиллар давомида мақбул экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сони асосида уруғ ҳосилининг ортиши кузатилди. Тадқиқотлар давомида, асосан уруғлик учун 1 сентябрда 1 м. қатор орасига 20 дона ҳисобидан экилган хашаки лавлагининг 2017 йилда, уруғ ҳосилдорлиги 26,4 ц/га, 2018 йилда 26,8 ц/га ва 2019 йилда, аввалги йилларга нисбатан қўлланилган ўз муддатида ва сифатли агротехник чоралар, асосида уруғ сифати ҳам ортиб, ҳосилдорликни 27,5 ц/га етказилишига эришилди.

Тадқиқотлар давомида уруғлар сифатига ҳам катта эътибор қаратилди. 1 м. қатор орасига 10 дона ҳисобидан экилган уруғлардан униб чиққан ўсимликлардан олинган уруғлари орасида 4-5 мм ли «фракция»га эга уруғлар миқдори 58,3 % ни, 20 дона ҳисобидан экилганда 65,0% ва 30 дона ҳисобидан экилганда эса 46,5 % ташкил этди. Етиштирилган ўсимлик уруғ ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари ҳам талаб даражасида бўлиб, ушбу уруғларнинг унувчанлиги 83-89 фоиздан ортгани аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Турли меъёрларда экилган ўсимликлардан олинган уруғнинг сифат кўрсаткичлари (ўртача 2019 й.).

Фракциялар бўйича, мм	Кўрсаткичлар	Уруғ экиш меъёри 1м қатор орасига, дона		
		10	20	30
5 мм	Умумий ҳисобда, %	30,5	33,4	24,5
	1000 дона уруғ масса, г	20,2	21,4	19,8
4 мм	Умумий ҳисобда, %	27,8	31,6	22,0
	1000 дона уруғ масса,г	20,0	20,9	19,0
3 мм	Умумий ҳисобда, %	26,7	22,4	30,7
	1000 дона уруғ масса, г	19,1	20,2	18,1
3 мм кичик	Умумий ҳисобда, %	15,0	12,6	22,8
	1000 дона уруғ масса,г	18,0	18,8	17,0

Маълумотлар шуни кўрсатадики, кўчатсиз уруғчиликда уруғ экиш меъёри уруғнинг ҳосилдорлиги, 1000 дона уруғ массаси ва сифатига ҳам катта таъсир кўрсатади. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, сентябрь ойининг биринчи декадасида 1 м.қатор орасига 10 дона ҳисобидан экилган уруғлардан олинган 1000 дона уруғ массаси, турли «фракция»лар бўйича 18,0- 20,2 граммгача, 20 дона ҳисобидан экилганда 18,8-21,4 граммгача ва

30 дона ҳисобидан экилган ўсимлик уруғларидан уруғ массаси 17,0-19,8 граммни ташкил этди. Бу эса 1 м.қатор орасига 20 дона ҳисобидан экилган ўсимлик уруғ массасидан 1,6-2,8 граммгача фарқланганлиги кўрсатди.

Юқоридаги маълумотлар билан сентябрь ойининг охирида экилган ўсимликлардан олинган уруғ ҳосилдорлигига ва унинг сифатига назар ташлайдиган бўлсак, уруғ ҳосилдорлиги ва унинг сифати ҳам паст эканлигини изоҳлайди. Бунинг боиси, биринчидан, ўсимликларни кечки муддатда олиниши бўлса, иккинчидан ўсимлик ниҳолларининг бир-бирига зич жойлашуви ҳисобига озуқа майдонининг ниҳол учун етарли эмаслигини қайд этиш лозим. Хашаки лавлаги уруғидан янги авлод уруғ етиштиришда экиш муддати, меъёри ва ўсимлик туп сони ҳамда ўсимликнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам гектаридан олинадиган уруғ ҳосилига ва унинг сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланган. Кўчатсиз уруғчиликда юқори уруғ ҳосили етиштириш учун уруғ экиш муддати, меъёри, ўсимлик туп сони, вегетатив ва генератив органларининг биометрик кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган (5-жадвал).

5-жадвал

Хашаки лавлаги уруғларини кўчатсиз усулда етиштиришнинг экиш муддатлари бўйича иқтисодий самарадорлигига таъсири

(ўртача 2017- 2019 йй.).

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Экиш муддати		
		1 сен- тябрь	15 сен- тябрь	30 сен- тябрь
Уруғ ҳосили	ц/га	27,2	24,8	17,1
Умумий ҳаражат	минг сўм/га	1,188	1,188	1,188
Сотиш баҳоси	минг сўм/га	917,0	917,0	917,0
Уруғ нархи	минг сўм/кг	4980	4980	4980
Шартли соф даромад	минг сўм/га	13,545	12,605	8,515
Уруғ таннархи	минг сўм/ц	43,7	47,9	49,4
Рентабеллик даражаси	%	114,0	106,1	71,7

Маълумотлардан кўриниб турибдики, уруғнинг энг юқори ўртача ҳосилдорлиги 1 сентябрь муддатида экилган уруғлар ҳиссасига тўғри келган. Яъни, 1 м. қатор оралиғига 20 донадан экилганда умумий сарф ҳаражат 1,188 минг сўмдан ошмаган, 1 кг уруғ нархи 4980 сўмга тенг бўлган бўлса, соф даромад эса ўртача 13,545 минг сўм/га ни рентабеллик даражаси 114,0 % ташкил этган. Сентябрь ойининг 15 ва 30 сана муддатларида экилганда ўсимликларнинг уруғ ҳосилдорлиги мос равишда 24,8 ва 17,1 ц/га бўлган, ҳаражатлар юқоридагидек 1,188 минг сўмни ташкил этган, 15 сентябрь муддатида экилган ўсимликлардан соф даромад эса 12,605 ва 30 сентябрда экилганидан 8,515 минг сўм олинган. Бунда рентабеллик даражаси экиш муддатларига мос равишда 106,1 ва 71,7 % ташкил этган.

Жадвал маълумотларини таъкидлашича, турли экиш муддат ва меъёрларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар ҳам турлича бўлган. Уруғ экиш муддатининг кечикиши униб чиққан ниҳоллар ривожланишига ҳам маълум миқдорда салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Хашаки лавлагининг уруғлари қанчалик мақбул муддатларда экилса, уруғларнинг униб чиқиши даражасида ва кейинги ўсиб ривожланиш ҳамда ҳосилдорлигининг биометрик кўрсаткичларида ижобий фарқлар юзага келиши исботланди.

Шундай қилиб, хашаки лавлагининг Ўзбекистон 83 нави уруғларини уруғидан экиб етиштиришнинг иқтисодий ҳисоб-китоблари мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бу инновацион технологик усулни қўллаш Зарафшон водийси шароитида чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожланишиги хизмат қилиш имкониятларини кенгайтиради.

ХУЛОСАЛАР

1. Зарафшон воҳасининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида йиллик ўртача ҳарорат 15,5 °С градусни, ҳавонинг ўртача 10°С юқори бўлган давр 212-218 кунни, тупроқ нисбий намлиги ўртача 56,0 фоизни, умумий йиллик ёғингарчиликлар миқдори 337,5-509,7 мм.ни, қишнинг вегетация даври 45-56 фоизни ҳамда баҳорги ёғингарчиликлар миқдори 71-82 мм ни ташкил этиши аниқланиб, хашаки лавлаги уруғларини уруғидан, сентябрнинг биринчи декадасида экиб янги уруғлик етиштириш мумкинлиги аниқланди.

2. Хашаки лавлагининг уруғларини экиш муддатларининг кечикиши натижасида униб чиқиш даражаси Ўзбекистон 83 нави назорат вариантыга нисбатан 7,0% га, кўчат сонини қишлаб чиқиш даражаси 12-14 % илдизмева диаметри 3,9 см, бир туп ўсимликдаги барглар сони 11 дона барг сатҳи 361,0 см², массаси 80,0 граммгача, илдизмевадаги қанд миқдори 1,6% курук моддалар миқдори эса 2,7% гача камайиши қайд этилди.

3. Уруғ экиш меъёрларининг ортиб бориши билан ўсимлик қишлаш даражасини ортиб бориши, баҳорги ривожланишнинг жадал тезлашганлиги, фазалараро ўсув даврини қисқариб бориши билан уруғликни шаклланишини кечикиши кузатилган. Экиш муддати ва меъёрига боғлиқ ҳолда, экиш меъёрлари 120-130 минг донадан, 140-150 минг дона/га оширилиши натижасида ўсув даври давомийлигини 14-16 кунга қисқариши, ҳосилдорликни эса ўртача 6,3 -8,5 ц/га камайиши аниқланди.

4. Уруғлик хашаки лавлаги ҳосил структурасида бир ўсимликдаги шохлар сони ва уруғлик донлар сони экиш меъёрларини ортиб бориши ҳамда экиш муддатларининг кечикиб бориши ҳисобига камайиш қонунияти кузатилди. Мақбул экиш муддати ва меъёрида бир туп ўсимликда уруғ ҳосили, ўртача 18,5-25,8 граммга, 4-5 мм «фракция» га эга сифатли уруғлар миқдори 65,0%, 1000 дона уруғ массаси 21,4 граммгача ортанлиги ва уруғларни униб чиқиш даражаси 91,0 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

5. Тадқиқотлар натижасида илдизмева массаси 1; 15 ва 30 сентябрь экиш муддатига мос равишда ўртача 250,2; 220,1 ва 180,3 грамм, барг ҳосили

205,0 : 167,6 ва 125,0 грамм, улардаги қанд ва қуруқ моддалар миқдори тааллуқли равишда 10,3 ва 13,8 %, иккинчисиди 10,7 ва 14,2 % ва 30 сентябрда экиб шаклланган илдизмевалар таркибиди қанд миқдори 9,2 ва қуруқ модда 11,4 фоизни ташкил этганлиги, яъни кечки муддатларда экиш ҳисобига шаклланган уруғларни униб чиқиш кўрсаткичлари сезиларли даражада камайиши аниқланди.

6. Хашаки лавлагининг турли муддат, меъёрларда экилган ва униб чиққан ўсимлик туп сонига турли даврларда ишлов бериш ва ҳосил йиғим-терим давригача меъёридан ортиқча ўсимлик туп сонини ягоналаш ҳисобига чорвачиликни витаминли ҳамда ширали озуқа етишмаган ҳолатларда 3,9-5,8 ц/га озуқа бирлиги билан таъминлаш имконияти яратилди.

7. Энг юқори -27,5 ц/га уруғлик ҳосилининг шаклланиши, экиш муддати 1 сентябрь, меъёри 1 метрда 20 дона уруғ (11 кг/га), ягоналашдан сўнг 1 метрда 8-9 дона ўсимлик (120,0 минг туп/га) қолдирилган вариантда олиниб, 15 –чи ва 30-чи сентябрда экилганига нисбатан ўртача 6,3-8,5 ц/га кўшимча уруғ ҳосили олинишига эришилди.

8. Энг юқори иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари 1 сентябрда 1 м. масофага 20 дона ҳисобидан уруғ экиб, бир гектарда 120,0 минг туп ўсимлик қолдирилганда кузатилиб, бир гектарга сарфланадиган харажатлар 1,188 минг сўмни, соф фойда 13,545 минг сўмни, рентабеллик даражаси 114,0 фоизни, 1 кг уруғлик нархи эса 4980 сўмни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар хашаки лавлаги уруғчилигини анъанавий кўчат усулда етиштиришга нисбатан 2,5-3,0 баробарга юқори эканлиги аниқланди.

9. Зарафшон воҳасининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида хашаки лавлаги уруғчилиги амалиётида анъанавий бўлган кўчат усулисиз, уруғидан экиб, ресурстежамкор юқори ҳосил ва таннархи арзон уруғлик ҳосили етиштириш учун:

Ўзбекистон 83 нави уруғларини кузда, сентябрь ойининг 1 декадасида қатор ораси 70 см кенгликда 1 метрда 20 дона уруғ ҳисобидан (11 кг/га) экиш ва 180-200 минг туп кўчат олишга эришиш, қишловдан кейин ҳосил йиғим-теримига қадар сифатли ягона ўтказиш ҳамда 1 метрда 8-9 дона, яъни бир гектарда 120 минг туп ўсимлик қолдирилиши тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАХИМОВ ГУЛОМ ЮЛДАШОВИЧ

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ВЫРАЩИВАНИЯ СЕМЕННОЙ СВЕКЛЫ
В УСЛОВИЯХ ЗАРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

06.01.08 –Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В 2018. 1. PhD/Qx248

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.PSUEAITI.uz)

Научный руководитель: **Ботиров Хидир Файзиевич**
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты: **Телляев Риксивой Шохамадович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Раббимов Абдулла Раббимович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Научной исследовательский институт генетических ресурсов растений**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению научных степеней № DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка «__» _____ 2020 года в __ часов. (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, С.Г. Ботаника, улица УзНИИХ, НИИ ССАВХ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (зарегистрировано за №__). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, С.Г. Ботаника, улица УзНИИХ, НИИ ССАВХ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37).

Автореферат диссертации распространен «_____» _____ 2020 года.
(Протокол реестра №_____ от «_____» _____ 2020 года)

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н., профессор
Ф.М. Хасанова.
Ученый секретарь научного совета по присуж-
дению научных степеней, к.с.х.н., профессор
Ж.Х. Ахмедов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.б.н. профессор

Введение. Аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Последние годы посевная площадь сахарной свёклы, полусахарной, листовой, пищевой и кормовой свёклы в мире составляет 700 миллион гектаров, основная часть которого составляет сахарная и кормовая свекла¹. Кормовая свекла в Европе широко распространена в Великобритании, Франции, Бельгии, Германии, Дании и других странах, где развито животноводство. Кормовая свекла сладкая питательная, легко усвояемая кормовая культура для животноводства, особенно в зимний период.

Научные исследования по данному вопросу проводятся на основе современных методов, и направлены, в первую очередь, изучение почвенно-климатических условий, на основе эффективного их использования путем применения инновационных технологий и на обеспечение животноводства ценным сырьем, на сегодняшний день, как и во всех сферах, и в сельском хозяйстве на основе применения на практике высоких технологий, в орошаемых регионах развитых стран мира изучение получения семян корнеплодных растений за короткий срок и эффективное землепользование, возможность получения высокоурожайных сортов растений, приспособленных к различным почвенно-климатическим условиям, получение качественных семян и корнеплодов свеклы считается актуальным.

